

## КЕЛИШУВ

(ширкатга ҳисса қўшувчи коммандитчи сифатида кириш шартлари тўғрисида)

Тошкент ш.  
Йил

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

“ \_\_\_\_\_ ” коммандит ширкати, қуйида “Ширкат” деб номланувчи, номидан таъсис шартномаси ва ўз устави асосида фаолият юритувчи тўлиқ шерик “ \_\_\_\_\_ ” МЧЖ директори \_\_\_\_\_ сиймосида ва “ \_\_\_\_\_ ” МЧЖ директори \_\_\_\_\_ сиймосида, бир томондан, ва \_\_\_\_\_, қуйида “Коммандитчи” деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар” деб аталувчилар, коммандитчини ширкатга кириш истагини билдириш ҳақидаги аризасини инобатга олиб, мазкур ширкатга ҳисса қўшувчи коммандитчи сифатида қабул қилиш шартлари тўғрисидаги ушбу келишувни (матнда “Шартнома” деб юритилади) қуйидагилар ҳақида тuzдилар:

### АТАМАЛАР ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**Бошқарувчи компания** – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган Ширкатнинг тўлиқ шериклари ҳисобланадиган тижорий ташкилотлар.

**Ширкат** – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган “ \_\_\_\_\_ ” коммандит ширкати.

**Инвестор (коммандитчи)** – ушбу Келишув шартларини қабул қилган, инвестиция маблағларини Ширкатнинг устав капиталига киритган ва Ширкат томонидан коммандитчи сифатида қабул қилинганлиги ҳақида гувоҳномага эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти). Бунда, Инвесторнинг Ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги қўшган ҳиссаси доирасида чекланган бўлиб, у Ширкатнинг бошқарувида иштирок этмайди.

**Таъсис шартномаси** – Ширкатнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва Бошқарувчи компаниянинг қарори билан тасдиқланган таъсис ҳужжати.

**Келишув** – бу “ \_\_\_\_\_ ” КШнинг (кейинги ўринларда “Ширкат” деб аталади) Инвесторларга мазкур келишув шартлари асосида битим тузиш бўйича таклифи.

**Битим** – Бошқарувчи компания ва Инвестор ўртасида ушбу Келишувда кўрсатилган шартлар асосида тузилган битим. Битим тузиш натижасида Инвестор Ширкат таркибига Коммандитчи сифатида қабул қилинади ва Ширкатнинг Таъсис шартномасидаги шартлар асосида Ширкатда иштирок этади.

**ENVAST платформаси** – мазкур Келишувда назарда тутилган шартлар асосида Ширкатга коммандитчи сифатида кириш, фаолият юритиш ва чиқиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган махсус платформаси.

**Молиявий йил** – Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кўра, 12 ойлик циклдан иборат йил ҳисобланади.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ (ПРЕДМЕТИ)

1.1. Мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ, Коммандитчи Ширкатга ҳисса қўшувчи сифатида кириш, белгиланган ҳиссасини тўлиқ киритиш ҳамда ширкат таъсис шартномаси ва ушбу келишув шартларини бажариш мажбуриятини, Ширкат эса Коммандитчини қонунчилик ва ширкат таъсис шартномаси шартларига биноан ҳисса қўшувчи сифатида қабул қилиш чораларини кўриш мажбуриятини олади.

1.2. Коммандитчи қуйидаги маълумотлар билан танишганлиги ва рози эканлигини маълум қилади:

- “\_\_\_\_\_” коммандит ширкати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан коммандит ширкати сифатида хўжалик фаолияти юритиш ва фойда олиш мақсадида таъсис этилган тижорат ташкилотидир;
- Ширкат номуайян муддатга ташкил этилган;

Ширкатни ташкил этишдан мақсадлар:

- кўчмас мулк қуриш ва қурилган объектларни сотиш орқали даромад қилиш;
- ер участкалари ва ерга боғлиқ активлар билан савдо-инвестиция фаолияти орқали фойда олиш;
- кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган тайёр бинолар ва кўчмас мулк объектларини сотиб олиб, ижарага бериш ва сотиш орқали барқарор даромад олиш.

Ширкат қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- Кўчмас мулк объектлари ва қурилиш лойиҳаларига инвестиция киритиш, шу жумладан турар жой ва нотурар жой бинолари қурилиши, реконструкцияси, таъмири ва сотиб олинишида иштирок этиш;
- Кўчмас мулк билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни режалаштириш, молиялаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш;
- Инвесторлардан, шу жумладан коммандитчилардан жалб қилинган пул маблағларини инвестиция лойиҳаларида белгиланган мақсадларда инвестиция қилиш;
- Мулкни ишончли бошқарув хизматларини кўрсатиш;
- Инвестицион операцияларни амалга ошириш, жумладан инвестиция шартномалари, лойиҳавий молиялаштириш, шериклик (шу жумладан коммандит шериклик) тузилмалари орқали иштирок этиш;
- Уй-жой мулкдорлари ширкатларини (УМШ) ташкил этиш, уй-жой ва бино-иншоотларга эксплуатация хизматларини кўрсатиш;
- Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш);
- Ер участкаларини сотиб олиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни юридик жиҳатдан тоза ҳолатга келтириш;
- Ер майдонларини бўлиб чиқиш (бандлаш), қайта тузиш ва ривожлантириш бўйича ишлар;
- Ерларни инвесторлар иштирокида ривожлантириш ва кейинчалик сотиш;
- Ер ва мулкка оид инвестицион битимлар тузиш;
- Ер ва мулк бозоридаги савдоларни ташкил этиш, консалтинг ва риэлторлик хизматларини кўрсатиш;
- Ерни ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш ёки сотиш орқали даромад олиш;
- Ер ва мулк объектларини баҳолаш, аудит ва экспертиза ишларини ташкил этиш;
- Инвестиция фаолиятини қонунчилик доирасида амалга ошириш учун банк ва молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш.
- Кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган бинолар ва кўчмас мулк объектларини сотиб олиш;
- Бинолар ва кўчмас мулк объектларини ижарага бериш шартномаларини тузиш ва ижара тўловларини йиғиш;
- Ижара фойдасини ҳисоблаш ва коммандитчилар ўртасида тақсимлаш;
- Ижарага берилган бинолардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;

- Ижара фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий ва молиявий ҳисоб-китобларни юритиш;
- Бинолар ва кўчмас мулк объектлари учун олди-сотди шартномаларини тузиш ва даромадларни ҳисобга олиш;
- Ширкат қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга ошириши мумкин;
- Ширкат фойдаси унинг иштирокчилари ўртасида қуйидагича тартибда тақсимланади:
  - o Ширкат соф фойдаси қонунчиликда белгиланган муддатларда, яъни ҳар бир йил якунлари бўйича тақсимланиши мумкин. Ширкат соф фойдасини тақсимлаш муддатларини тўлиқ шерик белгилайди;
  - o Ширкат соф фойдасини тўлиқ шерик ва коммандитчилар ўртасида тақсимланувчи улушларини аниқлаш учун, ширкат бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида ҳар бир йил бўйича соф фойда (ёки зарар) ҳажми ҳисобланади;
  - o Ҳар бир йил бўйича аниқланган соф фойданинг 50 (эллик) фоизи тўлиқ шерикка ва 50 (эллик) фоизи ҳисса қўшувчиларга тегишли улуш сифатида ҳисобланади. Ҳисса қўшувчиларга тегишли бўлган фойданинг улуши уларнинг ҳисобот йили охири ҳолатига устав фондига киритилган тўловлар, шу жумладан, бўнак тўловлари суммаси ва уларнинг ширкатда турган кунлар сонига мутаносиб тарзда ўртача тортилган улуш миқдорларига мувофиқ тақсимланади;
  - o Ширкатнинг белгиланган давр якунлари бўйича тўлиқ шерик ва ҳисса қўшувчилар ўртасида тақсимланадиган фойда ҳажми ушбу даврга тегишли бўлган ҳар бир йил якунлари бўйича аниқланган фойда ёки зарарларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади;
- Ширкатнинг зарари унинг иштирокчилари ўртасида уларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади;
- Агар ширкат томонидан кўрилган зарарлар оқибатида ширкат соф активларининг қиймати унинг устав фонди миқдоридан камайиб кетса, соф активлар қиймати устав фонди миқдоридан ошмагунга қадар ширкат томонидан олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайди;
- Ширкат иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойда қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор тўлиқ шерик томонидан қабул қилинади;
- Ширкат қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини Ширкат иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:
  - o Ҳар бир Ширкат иштирокчиси ҳиссасининг (ҳисса бир қисмининг) номинал қиймати тўлангунга қадар;
  - o агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Ширкат қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Ширкатда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
  - o қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда;
- Ширкатнинг бирор-бир иштирокчисини фойда ёки зарарларни тақсимлашда иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас;

1.3. Қурилиш лойиҳаси ва унга тегишли барча маълумотлар – жумладан, қурувчи компания, қурилатган кўчмас мулк объекти, унинг қурилиш жараёни, битказилиш муддатлари ва бошқа муҳим маълумотлар Инвесторнинг ENVAST платформасидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилади. Платформада ушбу маълумотлар доимий янгиланиб борилади ва эркин кириш имконияти таъминланади.

## **2. ШИРКАТГА КИРИШ ШАРТЛАРИ**

2.1. Коммандитчини ширкатга қабул қилиш Ширкат таъсис шартномасини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) билан амалга оширилади.

2.2. Коммандитчини Ширкатга кириш санаси бўлиб ширкат таъсис шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилган сана ҳисобланади.

2.3. Ҳисса қўшувчи коммандитчи иштирокчи сифатида қабул қилишнинг муҳим шартлари:

- ҳисса миқдори;
- ҳисса таркиби;
- қўшиш тартиби.

2.4. Битим имзолангач коммандитчи қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириши керак:

- ENVAST платформасида рўйхат (авторизация)дан ўтиши. Рўйхатдан ўтиш учун Инвестор паспорт ёки ID-картасида кўрсатилган шаклда тўлиқ исми, туғилган санаси, паспорт ёки ID рақами, паспортнинг амал қилиш муддати, шунингдек доимий яшаш манзили ҳақида маълумотларни тегишли бандларга киритиши лозим.
- Ширкатнинг банк ҳисоб-рақамига инвестиция маблағларини ўтказиши. Инвестор Ширкатнинг банк ҳисоб-рақамига Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўм) ёки чет эл валютаси (АҚШ доллари)да инвестиция маблағини ўтказиши. Миллий валюта ёки АҚШ долларида киритилиши лозим бўлган пул маблағларининг энг кам миқдори ENVAST платформасида Инвестор танлаган инвестиция лойиҳасида белгиланади. Инвестиция маблағлари бевосита ENVAST платформасида рўйхат (авторизация)дан ўтган Инвестор томонидан, яъни унга тегишли бўлган шахсий банк ҳисоб-рақамидан ёки банк тўлов картаси орқали амалга оширилиши керак.

Инвестиция маблағи чет эл валютасида киритилган тақдирда, мазкур маблағ Ширкат ҳисоб-рақамига келиб тушган кунда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий валюта курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўм) ҳисобга олинади. Сўмда ҳисобланган маблағ Инвесторнинг Ширкат устав капиталига қўшган ҳақиқий ҳиссаси сифатида эътироф этилади.

2.5. Бошқарувчи компания ва / ёки Ширкат "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (2004-йил 26-августдаги 660-II-сон) талаблари татбиқ этиладиган нобанк кредит ташкилоти ҳисобланмайди ва юқоридаги қонуннинг талаблари доирасида ички назоратни, мижозни текширишни, мижозни идентификациялашни ёки шу каби бошқа ҳаракатларни амалга оширмайди.

### **3. ШИРКАТДАН ЧИҚИШ, ШИРКАТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ШИРКАТГА ЯНГИ ИШТИРОКЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ**

3.1. Ширкатдан чиқиш улушни тўлиқ шерик ёки бошқа коммандитчиларга сотиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, улуш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳада қилиш асосида ҳам бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, бунда Тўлиқ шерикларнинг розилиги талаб этилади.

3.2. Ширкат иштирокчиларидан бири ундан чиқиб кетган ёки вафот этган, улардан бирортаси бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд банкрот деб топилган, иштирокчилардан бирига нисбатан суднинг қарорига кўра қайта ташкил этиш тадбирлари бошланган, ширкатда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган ёхуд иштирокчилардан бирининг кредитори ундиришни мол-мулкнинг устав фондидаги унинг улушига тўғри келадиган қисмига қаратган ҳолларда ширкат ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

3.3. Ширкат тўлиқ шериги, агар ҳисса қўшувчи ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузган ҳолларда, ширкатдан суд тартибида чиқариб юборишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

3.4. Ширкатга янги иштирокчилар тўлиқ шерик қарори билан қабул қилиниши мумкин.

3.5. Янги иштирокчилар қабул қилинганда ширкатнинг таъсис шартномасига:

- иштирокчиларнинг ширкат устав фондидаги улушлари янги миқдорига;
- ширкатни бошқариш тартибига (заруриятга кўра);
- ширкатнинг янги иштирокчиси томонидан қўшиладиган ҳисса миқдори, уни қўшиш тартиби, муддатлари ва усулига оид ўзгаришлар киритилади.

Янги иштирокчи қабул қилиниши муносабати билан ширкатнинг таъсис шартномасига бошқа ўзгартишлар ҳам киритилиши мумкин.

3.6. Ширкатнинг иштирокчиси ширкатда иштирок этишдан воз кечишини билдириб, ундан ушбу шартнома ва қонун талабларига риоя этган ҳолда чиқиб кетишга ҳақли.

3.7. Ширкатда иштирок этишдан воз кечишини иштирокчи ширкатдан амалда чиқиб кетишдан камида 3 (уч) ой олдин билдириши керак.

3.8. Ширкатдан чиқиш ҳуқуқидан воз кечиш тўғрисидаги ширкат иштирокчилари ўртасидаги келишув ҳақиқий эмас.

3.9. Ширкатдан чиқиб кетган иштирокчига унинг устав фондидаги улушига тенг миқдорда маблағ 1 (бир) йил давомида бўлиб-бўлиб қайтарилади.

3.10. Чиқиб кетаётган иштирокчига Ширкат олган фойданинг унга тегишли қисми тўланади. Бунда ширкатдан чиқиш молия йили яқунлари бўйича амалга оширилади ва 3.9 бандда белгиланган муддатларда қайтарилади.

3.11. Ширкат иштирокчиси вафот этган тақдирда, унинг меросхўри тўлиқ шерик қарорига биноан ширкатга кириши мумкин.

3.12. Ширкатда иштирок этган қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси бўлган юридик шахс тўлиқ шерик қарорига биноан ширкатга киришга ҳақли.

3.13. Ширкатга кирмаган меросхўр (ҳуқуқий ворис) билан ҳисоб-китоблар ушбу шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3.14. Иштирокчилардан бири ширкатдан чиқиб кетган тақдирда, агар таъсис шартномасида ёки иштирокчиларнинг ўзга келишувида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қолган иштирокчиларнинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши тегишинча кўпаяди.

#### **4. ТўЛИҚ ШЕРИК ВА КОММАНДИТЧИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

*4.1. Тўлиқ шерик қуйидагиларга ҳақли:*

- ширкатни бошқариш ва ишларини юритиш;
- ширкат ишларига боғлиқ қарорларни расмийлаштириш ва уни имзолаш;

- ушбу шартнома ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни мустақил равишда ҳисса қўшувчиларнинг розилигисиз ўз қарори асосида давлат рўйхатидан ўтказиш;
- Ширкатда ҳисса қўшувчи сифатида иштирок этиш истагини билдирган жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатини (оғзаки, ёзма ва электрон) кўриб чиқиш ва ҳал этиш;
- ҳисса қўшувчи иштирокчиларни ширкатга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ҳисса қўшувчи билан Ширкатга ҳисса қўшувчи сифатида қабул қилиш ҳақида келишувни ширкат номидан имзолаш;
- Бирор ҳисса қўшувчи иштирокчи Ширкат устав капиталига ўзига белгиланган маблағни киритишдан воз кечса, унинг улушини бошқа ҳисса қўшувчи иштирокчиларга тақсимлаб қўшиш;
- ҳисса қўшувчининг (коммандитчи) Ширкатдан чиқиши борасида қарор қабул қилиш;
- ширкатнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш, ушбу шартномада белгиланган тартибда бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- ширкат тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш.

4.2. Тўлиқ шерик қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

**4.3. Тўлиқ шерикнинг мажбуриятлари:**

- қонун ва ушбу шартномада назарда тутилган тартибда, миқдорларда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшиш;
- Ширкатнинг фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик;
- Ширкат таъсис ҳужжатларига риоя қилиш;
- Ширкатга нисбатан белгиланган тартибда ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш.

4.4. Тўлиқ шерик зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4.5. Тўлиқ шерик қонунда ва ушбу шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармагани оқибатида Ширкатга ёки унинг иштирокчиларига зарар етказган тақдирда бошқа иштирокчилар зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

**4.6. Ширкат ҳисса қўшувчиси (коммандитчи) қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- шартномада назарда тутилган тартибда аниқланган Ширкатнинг фойдасидан устав фондига қўшган ҳиссасига мутаносиб қисмини олиш;
- Ширкатнинг йиллик ҳисоботлари ва баланслари билан танишиш;
- фақатгина молия йили тугаганидан кейин Ширкатдан чиқиш ва ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ўз ҳиссасини олиш;
- устав фондидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини бошқа ҳисса қўшувчига, тўлиқ шерикка ёки учинчи шахсга бериш. Ҳисса қўшувчилар ва тўлиқ шерик улушни (унинг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинган баҳода сотиб олишда учинчи шахслар олдида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Ҳисса қўшувчи томонидан бутун улушининг ўзга шахсга ўтказилиши унинг Ширкатдаги иштирокини тугатади.

**4.7. Ширкатнинг ҳисса қўшувчиси (коммандитчи) мажбуриятлари:**

- Ширкатнинг устав фондига ҳиссани белгиланган муддатда ва миқдорда қўшиш;

- Ширкат таъсис ҳужжатларига риоя қилиш;
- Ширкатга нисбатан белгиланган тартибда ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш;
- Ширкатнинг ишларини бошқаришда тўлиқ шерикка халақит қилмаслик ва ишларига аралашмаслик;
- киритган ҳиссаси доирасида ширкатнинг зарарларида иштирок этиш;
- Ширкат фаолиятини амалга оширишда тўлиқ шерикка кўмаклашиш.

4.8. Ҳиссанинг тўлиқ қўшилганлиги ҳисса қўшувчига Ширкат томонидан бериладиган иштирок этиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

4.9. Ширкат ҳисса қўшувчиси (коммандитчи) Ширкатдан чиқиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлса, бу ҳақида молия йили тугашидан аввал Ширкатга ёзма мурожаат этиши лозим. Ҳисса қўшувчининг (коммандитчи) Ширкатдан чиқиши фақатгина молия йили тугаганидан кейин тўлиқ шерик қарорига кўра ҳал этилади. Бунда Ширкатдан чиқаётган ҳисса қўшувчининг (коммандитчи) ҳиссаси молия йили тугагач, тегишли тўлиқ шерик қарори чиққач ва молиявий ҳисоботлар солиқ идораларига топширилган кундан бошлаб 3 (уч) ой давомида Ширкат томонидан қайтариб берилади.

## **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Тарафлар бир бирларининг манфаатларига қасддан етказилган ҳар қандай зарар ёки зиён учун жавобгар бўлади. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ва пандемия бундан мустасно.

5.2. Тарафлар бир-бирларига тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир. Ёлғон ҳужжатлар ёки маълумотларни тақдим этган тараф ваколатли идоралар олдида мустақил равишда жавобгар ҳисобланади.

5.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ ҳал этилади.

5.4. Ширкат, қурилиш соҳасида тажрибали қурилиш компанияларнинг лойиҳаларига инвестиция киритади. Тажрибали қурилиш компаниялари танлови қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилади:

- Қурилиш соҳасида камида 3 (уч) йил фаолият юритган бўлиши.
- Камида 4 (тўрт) та қурилиш лойиҳасини тўлиқ якунлаб, фойдаланишга топширган бўлиши.

Ширкат қурилиш объекти Ширкатга боғлиқ бўлмаган ҳолатда белгиланган муддатларда якунланмаганлиги, кадастр ҳужжатини олишда чўзилишлар бўлганлиги учун жавобгар бўлмайди. Агар бу ишларда қурилиш компаниясининг айби бўлса, бунинг оқибатида Ширкат ҳамкор қурилиш компаниясидан етказилган ҳақиқий зарарни ундириш ёки ҳар бир кечиккан ой учун қурилиш компанияси билан тузилган шартномада белгиланган миқдорда чегирма талаб қилиш мумкин. Бундай чегирма ва компенсация маблағлари Тўлиқ шерик ва Инвесторларнинг ҳақи ҳисобланади.

5.5. Ширкат даромади ва ликвидлиги энг юқори қурилиш лойиҳаларига инвестиция киритади. Бироқ кўчмас мулк нархининг ноодатий тарзда тушиб кетишига Ширкат жавобгар эмас.

## **6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Тарафларнинг ҳар бири шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу кутилмаган ва муқаррар фавқулодда ҳодисалар натижасида юзага келганлигини исботласа.

6.2. Кутилмаган ва муқаррар фавқулодда вазият деганда табиий офатлар, ёнғинлар, бўронлар, урушлар ва ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, қўзғолонлар, саботажлар, эпидемиялар, пандемия, тартибсизликлар, миллий тўқнашувлар, эмбарголар, давлат органларининг тақиқловчи ҳаракатлари ёки ҳар қандай ҳолатлар, томонларнинг назоратидан ташқарида, улар шартномани тузишда ушбу ҳолатларни олдиндан кўра олмаган ёки олдини олмаган ва ҳисобга олмаган.

6.3. Фавқулодда ҳолатларнинг вужудга келиши ваколатли органларнинг ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

## **7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

7.1. Шартномага асосан тарафлар ўртасида юзага келадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда, Ширкат жойлашган манзилдаги тегишли судда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА ТЎХТАТИЛИШИ**

8.1. Ушбу шартнома тарафларнинг ваколати вакиллари томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Ширкат таъсис шартномасида белгиланган тартибда Коммандитчи ширкатдан чиқиб кетгунигача қадар қадар амал қилади.

8.2. Ушбу шартнома тарафларнинг келишуви бўйича бекор қилиниши мумкин.

## **9. МАХСУС ШАРТЛАР**

9.1. Ушбу шартноманинг шартлари ва унга қўшимча келишувлар махфий ҳисобланади ва ошкор этилмайди.

9.2. Тарафларнинг ҳеч бири бошқа тарафнинг ёзма розилигисиз ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи тарафга ўтказишга ҳақли эмас.

9.3. Дебиторлик ва /ёки кредиторлик қарздорлиги шаклланган тақдирда, тарафлар тегишли далолатномани расмийлаштириш орқали ўзаро ҳисоб китобларини солиштирадилар (текширадилар).

9.4. Ушбу Шартнома доирасида ҳисса киритиш билан боғлиқ банк комиссиялари ва тўлов тизимлари (Click, Payme ва бошқалар) томонидан ундириладиган барча хизмат ҳақлари Коммандитчи ҳисобидан амалга оширилади.

## **10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10.1. Шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ширкат таъсис шартномасига амал қиладилар.

10.2. Ушбу шартнома кучга киргандан вақтдан бошлаб, аввалги барча музокаралар ва ёзишмалар ўз кучини йўқотади.

10.3. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва иккала тараф тарафидан имзоланган бўлса, амал қилади.

10.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ўзбек тилида 2 (икки) асл нусхада, томонларнинг ҳар бири учун тузилган.

**ШИРКАТ**

Манзил: \_\_\_\_\_

**КОММАНДИТЧИ**

Манзил: \_\_\_\_\_

Х/Р: \_\_\_\_\_  
МФО: \_\_\_\_\_  
СТИР: \_\_\_\_\_  
ОКЭД: \_\_\_\_\_  
Телефон: \_\_\_\_\_

Х/Р: \_\_\_\_\_  
МФО: \_\_\_\_\_  
СТИР: \_\_\_\_\_  
Телефон: \_\_\_\_\_